2009 ЙИЛ, 17 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ · № 33 (11.344) · Баҳоси эркин нарҳда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ*

## 2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. **Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики,** 2008 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, таркибий қайта ўзгартиришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни, унинг етакчи, энг аввало, экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришнинг самарадорлиги ва мувозанатлашганлигига 2008 йилда юзага келган жаҳон иқтисодий кризиси ва унинг оқибатлари салбий таъсир этмоқда.

Шунга қарамай, 2008 йилда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлиги сақлаб қолинди. Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 17,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноздаги кўрсаткичдан юқори бўлмади ва 7,8 фоизни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. 423 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида 90 та техник модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Ташқи савдони тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмоқда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан савдо айланмаси кўпаймоқда. Экспорт ҳажми 28,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо 1,8 баравар кўпайди.

Бозор инфратузилмаси фаол ривожланмоқда. Банкларнинг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банк депозитларидаги маблағлари эса 65,3 фоизга ўсди. Суғурта хизматлари ҳажми 25,6 фоизга кўпайди.

Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмоқда. Кичик бизнес саноат ишлаб чиқариши ҳажми 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизгача, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 45,3 фоизгача ўсди. Ўтган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг турар- жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларнинг таълими сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг муҳим омили сифатида маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича айрим тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш ишлари суст ташкил этилган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш масалалари жиддий эътибор беришни талаб қилади.

**2. Қуйидагилар 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:**

мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

***(Давоми 2-бетда).***

**АЙНИ КУНЛАРДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2009 ЙИЛ 6 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ ВА ТАНЛОВЛАРДАН ЎТГАН ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ ЙИГИТЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

**ПОЙТАХТНИНГ *бир куни***

**Янгиликлар, воқеалар**



*Ватанга хизмат — муқаддас бурч*

## МАРД ЎҒЛОНЛАР — ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНИ

Куни кеча мана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Тошкент шаҳар йиғин пунктида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, бўлажак аскарлар ҳамда уларнинг ота- оналари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳром Жуманиёзов Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли бугун ҳарбий соҳага бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани, унинг самаралари эса аллақачон кўзга ташланиб, она-Ватанга хизмат шараф ва ифтихорга айлангани ҳақида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга танловлардан ўтиб ўз йигитлик бурчини ўташга отланган сара йигитларга хизматни аъло даражада ўтказиб, ҳаёт мактабида чиниқишлари ва ота- оналари бағрига ёруғ юз билан қайтишларига тилак билдирди.



Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Юртбошимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт — шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жорий йилдан бошлаб йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилига бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитлар эса март- апрель ойларида уйига қайтади.

— Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига тушунтириш, янги тартиб асосида, муддатли ҳарбий хизматга чақиришни юксак савияда ташкил этиш учун маҳаллаларда, ўқув юртлари ва ташкилотларда «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний» ва «Маҳалла» каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда учрашувлар ўтказиб, тушунтириш ишларини олиб бордик, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Набижон Ғаффоров. — Бўлажак аскарларга эса ҳарбий хизмат турлари, аскарларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга белгиланган имтиёзлар, яратилган зарур шарт- шароитлар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

Биз ота- оналар ва яқинлари даврасида кўзларида ғурур ва ҳаяжон билан турган бўлажак посбонларнинг дил сўзларига қулоқ тутдик.

— Ўғлим Шерзод Холиқов яқинда МК «Ватанпарвар» ташкилотида ҳайдовчилик курсида ўқиб ҳунар эгаллади, шу билан бирга спортнинг каратэ тури бўйича мусобақаларда қатнашиб совриндорлар қаторидан жой олди, — дейди кўзларида севинч порлаб Розия Ҳимматова. — Мана энди она-Ватан ҳимоячиси деган юксак номга мушарраф бўлмоқда. Мен барча оналар каби фарзандимнинг бундай ютуқларидан жуда бахтиёрман.

— Ниятим Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш эди, — дейди бўлажак аскар Муҳиддин Мирҳамидов.— Мана, орзуларим ушалиши йўлидаман. Насиб этса хизматни аълога ўтаб тавсиянома билан қайтаман. Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кириб элу юртим, ота-онамнинг ишончини оқлайман.

Дарҳақиқат, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳам мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, Миллий армиямиз сафларини мард, жасур йигитлар билан тўлдириш, шунингдек, ўсиб келаётган ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилгандир. Зеро эр йигитлари бор элнинг юки ерда қолмайди, юрти обод, одамлари бахтиёр, келажаги порлоқ бўлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар йиғин пунктида ташкил этилган кузатув маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Қуёшча» тасвирий санъат студияси қатнашчилари томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Тошкент — Шарқнинг машъали» мавзуидаги расмлар кўргазмаси санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 241-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорлигида мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 526 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий кеча «Ғазалхон ёшлигим» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда **КЕЧАДАН** мобил алоқа тизимини янада яхшилаш мақсадида мижозлар учун қулайлик яратилганлиги маълум қилинди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Огоҳлик — давр талаби» деб номланди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида туман фаоллари, шифокорлар иштирокида **КЕЧА** уюштирилган тадбир ОИТСга қарши кураш масалаларига бағишланди.

● **1-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз тарихни биласизми?» мавзуидаги «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» деб номланган кўрик-танловнинг мактаб ўқувчилари ўртасидаги Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗ** мактабларида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида ўтказилган «Фарзандим — келажагим» мавзуидаги анжуманлар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Молия институтида талабалар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир буюк мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 526 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқитувчилар, талабалар иштирокида уюштирилган тадбирда мазкур зиё маскани қошида лингвистика ахборот-ресурс маркази ташкил этилганлиги маълум қилинди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида унни темир моддаси билан бойитиш бўйича якунланган лойиҳанинг натижаларига бағишланган журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● **«Нуроний» жамғармасининг Сурхондарё вилоят бошқаруви воҳани ободонлаштириш мақсадида 14-15 февраль кунлари ҳашар уюштирди. Ҳашарда вилоятнинг 700 мингдан зиёд аҳолиси фаол иштирок этди. Теварак-атроф ободонлаштирилиб, олти миллион туп кўчат ва уч миллион туп турфа гуллар экилди. Эҳтиёжмандларга 21 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.**

● **Хоразм вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Ижтимоий ҳамкорлик — жамият ривожланишининг муҳим омили» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

● **Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Хива туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ИИБ ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда «Биз — гиёвандликка қаршимиз» мавзуида ёшлар форуми ўтказди.**

● **Нукус Давлат педагогика институти республика Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Бобур — адолатли ҳукмдор ва мутафаккир шоир» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.**

● **Тошкентдаги ўзбек-япон марказида Кунчиқар мамлакатнинг анъанавий байрами — Қизлар кунига бағишланган қўғирчоқлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

● **Фарғона давлат университетида «Қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини ошириш» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

● **«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан Сирдарё вилоятида янги темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. Энди Тошкентдан келаётган поездлар Янгиер шаҳри яқинида йўналишини ўзгартириб, Даштобод станциясига борадиган бўлди.**

● **Андижон қишлоқ хўжалиги институтида LOGO — «Шарқий Европа билан қишлоқ хўжалиги ва экологик мувозанат» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда иқтидорли талабаларнинг Германияда ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари йўлга қўйилган. Ҳозиргача 20 нафардан ортиқ талабалар хорижда амалиёт ўтаб қайтдилар. Улар амалиёт даврида немис фермерлари хонадонларида яшаб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганишди.**

### ЖАҲОНДА

● **Рим шаҳрида ўтказилган саммит натижаларига кўра «катта еттилик» мамлакатлари молия вазирлари декларация қабул қилдилар. Унда жаҳон мамлакатлари дунё молия тизимини зудлик билан ислоҳ қилишга чақирилади. Ҳужжатда таъкидланишича, глобал иқтисодий инқироз жаҳон молия тизими пойдевори заифлигини кўрсатди.**

● **Бугун Женевада Кавказдаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича музокараларнинг тўртинчи босқичи бошланди.**

● **Россия ва Миср ўртасида фуқароларнинг айрим тоифаларига виза бериш жараёнларини соддалаштириш бўйича битим имзоланди.**

● **Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак билан Яқин Шарқда тинчликни таъминлаш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилади.**

● **Чехия парламенти мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,44 миллиард евролик маблағ ажратиш юзасидан режа лойиҳасини маъқуллади.**

● **Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга қаратилган янги лойиҳа ишлаб чиқилишини маълум қилди. Ушбу мақсад учун 218 миллиард АҚШ долларига яқин миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг жорий йилнинг 2 апрелига қадар тайёрланиши режалаштирилган.**

● **Приднестровье Европа Иттифоқидан Украина орқали донни экспорт қилишига кўмак беришини сўради.**

● **Мексика патрул кемаси Тинч океанида бортига 7 тонна кокаин гиёвандлик моддаси ортилган балиқчилик қайиғини қўлга олди. Қайиқ экипажининг барча беш нафар аъзоси (уларнинг ҳаммаси мексикалик) ҳибсга олинди. Ушбу операция АҚШ қирғоқ қўриқчи кемалари билан ҳамкорликда амалга оширилди.**

● **Маълумки, Австралия жануби-шарқида юз берган ўрмон ёнғинлари оқибатида 1831 та уй-жой кулга айланиб, 189 киши ҳаётдан кўз юмган. Мамлакат ҳукумати Виктория штатида ҳалок бўлган 11 нафар фуқаронинг ўлимига сабабчи айбланувчининг номини маълум қилди. У кўнгилли равишда ёнғинга қарши курашувчилар сафида бўлган 39 ёшли Бендан Жеймс Сокалук экан.**

● **Ҳиндистоннинг Калькутта ва Ченна шаҳарлари ўртасида қатновчи йўловчи поезд ҳалокатга учради. Фожеа поезднинг издан чиқиб кетиши натижасида рўй берган бўлиб, бахтсиз ҳодиса оқибатида 12 киши ҳалок бўлган, 150 киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ҳозирда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

# 2008 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми.Боши 1-бетда).**

қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар ва 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда зарур молиявий ва моддий маблағларнинг манбаларини, шунингдек, муддатларни, масъул бажарувчиларни ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат қилиш механизмини белгилаган ҳолда 2009 йилда маҳсулотларнинг талаб катта бўлган турларини ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланишни таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар комплексини тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган прогнозларига эришиш бўйича 2009 йил иқтисодий дастурининг бажарилишини, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг оқибатларини бартараф этиш ва уларга барҳам бериш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар чоракда кўриб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси (Р.С.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда 2009-2014 йилларда замонавий инновация технологияларини жорий этишга, рақобатбардошликни тубдан оширишга ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминловчи энг муҳим устувор лойиҳаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни бир ой муддатда тугалласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Мазкур Дастур параметрлари яна бир бор аниқлаштирилсин ва Дастур барча ижрочилар, айниқса, хорижий иштирокчилар билан узил-кесил келишилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

тежамкорликнинг қатъий режимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлилигини ошириш бўйича;

озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, ички бозорни улар билан ишончли тўлдиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларини амалга оширишни аниқ ташкил этиш ва уларни бажаришнинг тизимли мониторингини таъминласинлар.

Йирик саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирларининг ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш дастурларининг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва Н.М.Ханов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Тешабоев), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Вагапов), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) жорий йилнинг 10 мартигача бўлган муддатда:

иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари ўсиши динамикасини, энергия сарфи юқори бўлган ускуналарни фойдаланишдан чиқариш, энергияни кам сарфлайдиган ва энергия жиҳатидан самарали замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш йўқотишлари ва энергия сарфини камайтиришни, энергиянинг ноанъанавий ва тикланадиган манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашни назарда тутадиган 2009-2013 йилларда электр энергетикасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

магистрал ва маҳаллий тармоқлар бўйича узатишда электр энергияси нобудгарчилигини камайтириш учун электр энергетикаси корхоналарининг тармоқ хўжалигини модернизация қилишни, вилоятларда аҳоли, ишлаб чиқариш объектлари ва хизматлар соҳаси объектларини электр энергияси билан кафолатли, узлуксиз таъминлаш учун зонал кичик станциялар ташкил этишни назарда тутадиган 2009-2015 йиллар даврида энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурини тасдиқлаш бўйича;

2009 йилда йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, 2010-2012 йилларда — шаҳарларнинг бошқа истеъмолчилари томонидан ва 2012-2015 йилларда — қишлоқ истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмол қилинишини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари киритилишини таъминласинлар.

7. Бош вазирнинг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва У.У.Розуқулов «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Назаров), «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси (Юсупов), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (Избосаров), Навоий кон-металлургия комбинати (Санақулов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) билан биргаликда жорий йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда маҳаллийлаштириладиган машинасозлик асбоб-ускуналари, шу жумладан, нефть-газ ишларини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги хомашёсини ва минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши хорижий аналоглар, мини-технологиялар асосида кичик корхоналар учун инструментал асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар, машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришни тубдан кенгайтириш бўйича таклифлар тақдим этсинлар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат божхона қўмитаси (Носиров), Марказий банк (Муллажонов) ва «Ўзстандарт» агентлиги (Абдувалиев) билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган 2009 йилда импорт қилиш кўрсаткичларига тузатиш киритиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналар томонидан Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тузилган контрактларнинг бажарилиши, шунингдек, унга маҳаллийлаштирилган маҳсулот қўйилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин, натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқилсин.

8. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, энг аввало, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги корхоналарни муфассал ўрганиб чиқсин ҳамда банкрот корхоналарни таркибий ўзгартириш, уларни тижорат банкларига сотиш билан боғлиқ зарур қарорлар қабул қилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўзлари бошчилик қиладиган ҳудудий комиссиялар орқали Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик, жамоат тузилмалари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг аниқ ҳиссасига баҳо берган ҳолда Дастур тадбирларининг ижроси юзасидан қатъий мониторинг олиб борилишини ва уларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этишни таъминласинлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) икки ой муддатда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес учун имтиёзлар ва рағбатлар кенгайтирилишини ҳамда янги имтиёзлар ва рағбатлар берилишини, умуман, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришни, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлашни, унинг ижтимоий-сиёсий мақоми мустаҳкамланишини назарда тутадиган қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси (Шодиев) билан биргаликда:

минтақаларнинг иқлим, демографик ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб, ҳудудларни архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришнинг бош режалари, қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий инфратузилма объектларининг бирхиллаштирилган намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини;

бир ой муддатда — «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишни, шу жумладан, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминласинлар, бунда институт жорий йилнинг ўзидаёқ янги бош режалар ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқишини назарда тутсинлар;

жорий йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда — йиғма, композицион ва майда блокли конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

12. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Гуськова), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов), бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига минтақавий бўлимлар тармоғига эга бўлган, қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддатда:

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси (Акрамов) билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, пишиқ ғишт, томга ёпиладиган материаллар, безак ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш бўйича мини-технологияларни жорий этиш, норуда материалларнинг ишлаб турган конларини тиклаш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқсинлар;

намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш бўйича туманларда хусусий ихтисослаштирилган пудрат корхоналари ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқсинлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашсинлар;

ҳар бир туман бўйича 2009-2011 йилларда қишлоқда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, уларни хомашё базаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда қабул қилсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда қишлоқ жойлардаги инфратузилмани танқидий баҳоласинлар ва уни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқсинлар, бунда қишлоқ жойларда аҳолининг бандлигини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишни назарда тутсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов) «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Максумов) билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 майигача бўлган муддатда — 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига мувофиқ 2009 йилда амалга ошириш назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ва сифатли экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар;

бажариладиган мелиоратив ишларнинг сифати ва ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда архитектуравий режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини камайтиришни, кичик бизнес учун экологик экспертизанинг соддалаштирилган тартиботини жорий этиш ва уни амалга ошириш тарифларини камайтиришни, шунингдек, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тарифларини ва давлат мулки бўлган биноларни ижарага бериш тўловларини камайтириш чора-тадбирларини назарда тутсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров), Адлия вазирлиги (Мухитдинов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

2007-2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини танқидий ўрганиб чиқсинлар, қўйилган вазифалар бажарилмаганлиги сабабларини аниқласинлар ва зарур бўлган ҳолларда тегишли тузатишлар киритсинлар;

хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тубдан қайта кўриб чиқсинлар ва одамларнинг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг ва қишлоқ турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, бунда кўрсатилаётган хизматларнинг турларини кўпайтириш учун хусусий секторга зарур бўлган шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берсинлар.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев), тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳри бўйича 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларини бажаришга кенг жалб этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар ва сервис соҳасини, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва тижорат банкларининг маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, бунда иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражаси кузатилаётган туманлар ва шаҳарларга, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти асосида турар-жой фонди объектларини режалаштириш, дизайнини ишлаб чиқиш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга оширадиган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни, уларни иш кўлами билан таъминласинлар. Ушбу мақсадларда:

фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эски турар-жойларни, кўп квартирали уйлардаги бўш турган жойларни, шу жумладан, ётоқхоналарни ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш юзасидан, идоравий мансублигидан қатъи назар, турар-жой фондини икки ой муддатда ялпи хатловдан ўтказсинлар ва уларни маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфига беришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур қарорлар қабул қилсинлар;

хатлов якунлари бўйича турар-жой фондининг кўрсатиб ўтилган объектларини мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Муллажонов) тижорат банклари ва уларнинг муассислари билан биргаликда:

банкларнинг устав капиталлари миқдорини тасдиқланган параметрларга етказган ҳолда уларнинг капиталлашуви даражасини оширишни белгиланган тартибда ва муддатларда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов) билан биргаликда икки ой муддатда жамғармаларнинг банк тизимига оқимини тўхтатиб турган омилларни пухта таҳлил қилсин ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини депозитларга жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;

банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳолининг омонатлари бўйича нақд пул маблағлари мижознинг биринчи талабига кўра берилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Аҳолига уларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини беришнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тижорат банклари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ва филиаллари раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган қатъий чоралар кўрилсин;

тижорат банкларига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланганлиги муносабати билан тижорат банклари ишини тубдан қайта қуриш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Бир ой муддатда тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ва молиялаштиришни бошлаш билан шуғулланадиган махсус хизматлари юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин.

20. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 13 февраль*

**ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ЖИДДИЙ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ КЎЛАНКАСИ ТОБОРА ҚУЮҚЛАШМОҚДА. ИНҚИРОЗ РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ ЧУҚУРРОҚ ҚАМРАБ ОЛМОҚДА. БУ ЭСА МАЗКУР ДАВЛАТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ПАСАЙИШИГА, ИШСИЗЛИКНИНГ ЎСИШИГА, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИНГ ЁМОНЛАШУВИГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА.**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига кучли зарба берди. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида қайд этилишича, 2009 йилда 1,4 миллиард киши, яъни сайёрамиз аҳолисининг чорак қисми қашшоқлик домига тушган. Инқирознинг салбий оқибатлари таъсири қўшни мамлакатларда ҳам яққол сезилмоқда. Хусусан, 2008 йилда улардан бирида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кутилганидан анча кам бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи сезиларли даражада ошмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани натижасида инқирознинг оқибатлари бизга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти.

Лекин Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг ўсишини таъминлашга эришилди. Хусусан, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил қилди, жумладан, саноат 12,7 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Бошқача айтганда, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилишни изчил ва босқичма-босқич амалга оширишнинг ўзига хос модели жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри ва истиқболли эканлигини янада яққолроқ намоён этмоқда.

*Қут-барака — шукроналикда*

## БОЗОРЛАРИМИЗДА НАРХ-НАВОНИНГ АРЗОНЛАШАЁТГАНИ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ КЎЗГУСИДИР

Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат, шу асосда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилганлиги, барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини янада яхшилашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида кўплаб мамлакатларда одамларнинг даромади пасайиб бораётган мураккаб бир шароитда, юртимизда янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат ўз самараларини бермоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ишончли захирасини яратиш, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, бундай маҳсулотлар нархининг барқарорлигини таъминлаш ва арзонлаштириш масаласига доимий эътибор қаратиб келинаётгани халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раиси Зафар Файзиев қуйидагиларни сўзлаб берди.

- Ун, ўсимлик мойи, гўшт каби асосий озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ошиши ва танқислигининг олдини олиш мақсадида уюшмамиз томонидан қўшимча равишда зарур миқдорда захира яратилиб, муайян тартиб асосида ички бозорга чиқарилаётгани бозорларимизда маҳсулотлар баҳосининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари сезиларли даражада арзонлашди. Мисолларга мурожаат қилайлик. 2008 йилда Тошкент шаҳрида гўштнинг баҳоси ўртача 8000-9000 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил февраль ойида ўртача 6500-7000 сўмни, Қорақалпоғистон Республикасида 5500-6000 сўмни, Бухоро вилоятида 4500-5000 сўмни, Андижонда 5500-6500 сўмни ташкил этди. Гуручнинг нархи пойтахтимизда ўтган йили ўртача 3000-3500 сўм бўлган бўлса, ҳозир 1800-2500 сўмни, картошка 750-800 сўм ўрнига 350-600 сўмни, тухум 250-300 ўрнига 150-200 сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда Тошкент бозорларида олий навли уннинг бир килоси 600 сўмдан, 1-навли ун 450 сўмдан, қадоқланган пахта мойи 1850-2050 сўмдан, балиқ 500 дан 2500 сўмгача, пиёз 450 дан 850 сўмгача, сабзи 150 дан 350 сўмгача, карам 150 дан 400 сўмгача, мош, нўхат, ловия 900 дан 1500 сўмгача сотилмоқда. Олма, анор, нок ва бошқа меваларнинг баҳоси ҳам 2008 йилга нисбатан 30-40 фоиз пасайган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, қишлоқ туманларида нарх-наво бундан ҳам арзонлашган. Хусусан, сабзавот ва мевалар, гўштнинг нархи пойтахтдагидан бирмунча паст.

Уюшмамиз томонидан ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш мақсадида жорий йилнинг март ва апрель ойларида 80 минг тоннадан, май ойида эса 68 минг тонна маҳсулотни арзон нархларда савдога чиқариш кўзда тутилган. Умуман, 2009 йилда мамлакатимиз аҳолисини ун, ўсимлик мойи, гуруч, шакар ва бошқа муҳим ижтимоий озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаш учун етарли захира мавжуд.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бораётганини эътиборга олсак, халқимизни бундай маҳсулотлар билан мақбул нархларда, ишончли таъминлаш йўлидаги хайрли ишларнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бозорларимиздаги бугунги файзу барака, дастурхонларимиз тўкинлиги замирида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотлари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилангани ва муваффақиятли ҳал этилгани мужассам эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаётгани ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишига хизмат қилаётир. 2008 йилда мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида озиқ-овқат саноатида 145 та объект ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигида эришилаётган марралар замирида, аввало, соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар жорий этилгани мужассамдир. Энг асосийси, халқимиз ризқ-рўзи манбаи бўлган ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани, мулкдорлик ҳисси ҳар бир заминдорнинг онгу шуурига чуқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани бундай ютуқларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан оилаларга чорва моллар тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта кўмак бўлиши баробарида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта ўрин тутмоқда.

Аҳолининг шахсий томорқаси ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, мазкур соҳадаги сервис хизматлари тармоғини такомиллаштириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили аҳолига кимошди савдоларида 20 мингдан зиёд қорамол сотилди. Қорамол сотиб олиш учун 48 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу борадаги ишлар натижасида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда ва, табиийки, нархи ҳам арзонлашмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини янада ошириш, уларнинг турини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг бу борадаги талабини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини юксалтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида бозорларимиз янада тўкин, дастурхонларимиз файзли бўлишига шубҳа йўқ.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Умуммиллий дастур — амалда*

# МАХСУС ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СЕМИНАР МАХСУС ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАРЛАРИ, МАХСУС МАКТАБЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ДЕФЕКТОЛОГЛАР, УСЛУБЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Семинарда ўсиб келаётган навқирон авлодга чуқур таълим, мукаммал тарбия бериш, унинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларини бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш, ёшларга билим беришни сифат ва самарадорлик жиҳатдан янги, янада юксак поғонага кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида умумтаълим мактаблари билан бирга махсус мактабларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий мебель ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, педагог кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги мавжуд салкам тўқсонта махсус мактаб ва мактаб-интернатда тўрт минг нафардан зиёд педагог болаларга билим бермоқда. Уларда таълим олаётган ўғил-қизлар учун 98 номдаги махсус дарслик, ўқув адабиётлари, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Ҳар йили мазкур таълим даргоҳларини тамомлаётган икки мингдан ортиқ битирувчини таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш, муайян мутахассисликни эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Махсус – инклюзив таълимни ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган болаларга пухта билим ва тарбия бериш, ижтимоий, психологик, тиббий реабилитация қилиш, жамиятга интеграциялашувига эришиш, ўқитувчиларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида дефектология факультети, бир қатор педагогика институтларидаги махсус таълим кафедраларида дефектолог-педагоглар тайёрланмоқда.

— Мактабимизда 248 нафар ўқувчи билим олади, - дейди пойтахтимиздаги 66-махсус мактаб директори Маълума Самуғова. - Махсус таълим болаларга алоҳида эътибор, ўзига хос психологик ёндошувни талаб этади. Шу боис ўқув жараёнида болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга, уларнинг ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этишига катта аҳамият қаратмоқдамиз.

Семинарда махсус таълим масканларида ўқув-ижодий муҳитни янада мустаҳкамлаш, махсус таълимнинг бугунги ҳолати ва унинг ўзига хос жиҳатлари, болаларни ижтимоий ҳимоялашда махсус таълимнинг замонавий ривожланиш истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Қарор ва ижро*

# ҚАТЪИЙ РЕЖА АСОСИДА

**ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ БИЛАН «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ҲАМКОРЛИКДА ТУМАНГАЗ ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ ҚАТЪИЙ РЕЖА АСОСИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Мазкур тадбирларни уюштиришдан 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Аҳолини, ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, яъни юқоридаги вазиятларда раҳбар ходимларнинг ўзларини қандай тутишлари, қўл остидагиларни бошқаришга ўргатиш мақсадлари кўзланган.

Бунинг учун ўқув-машқларда фуқаро муҳофазаси институтининг етакчи мутахассислари «Давлат тизимида фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракатланиш», «Терроризмга қарши кураш», «Техноген, табиий ва экологик ҳолатлардаги фавқулодда вазиятлар классификацияси»; «Фавқулодда техноген ҳолатларда: портлаш, ёнғин. Улардан келиб чиқадиган асоратлар, ҳимоя чоралари»; «Табиатда учрайдиган фавқулодда вазиятлар: ер қимирлаши, сув тошқини. Келиб чиқиш сабаблари, асоратлари, ҳимоя воситалари» мавзуларида батафсил тушунча бермоқдалар, юқоридаги ҳолатларда фуқароларнинг якка тартибда ҳамда жамоа бўлиб ҳаракатларни амалга ошириш йўналишларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, жойларда ўтказилаётган ўқув-машқларда мутахассислар иштирокида муҳандислик ҳимоя қурилмалари; ускуналаридан тўғри фойдаланиш, асосий ҳамда ёрдамчи бинолар, тегишли воситалар ҳақида тўлиқ маълумот берилмоқда, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилмоқда. Гуруҳларга бўлиниб ўтказиладиган ўқув-машқлари ҳам кутилган натижаларни бериши мақсадида режага кўра тасдиқланган жадвал асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**



**СУРАТДА: «Тошкентшаҳаргаз»нинг тумангаз фойдаланиш хизматларида ўтказилаётган ўқув-семинарлардан лавҳа.**

*Танловлар*

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР КЎРИГИ

**ҲОЗИРДА ШАҲРИМИЗДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?» ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Жумладан, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида Шайхонтоҳур туманидаги касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган танловнинг мазмун-моҳияти ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Ушбу танловда тумандаги Тошкент гидрометеорология касб- ҳунар коллежи, 314-, 41-, 102- мактаблар ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этишди.

Албатта, танловнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, у инсон ҳақ- ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояси йўлида қабул қилинаётган қонунларимизни яхши билиш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлидаги савол- жавоблардан иборат бўлди. Ўқувчи- ёшлар олган билимларини тўла кўрсатиш ва ўқитувчилари меҳнатини оқлаш учун бор имкониятлари, иқтидор ва истеъдодларини кўрсатиб ўзаро беллашдилар.

Қизғин фикр- мулоҳазалар билан ўтган ушбу тадбирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошидаги академик лицейнинг «Ёш ҳуқуқшунослар» жамоаси ғолиб бўлди.

— Ёшларимиз ўртасида олган билим ва малакаларини оширишга, зеҳнларини чархлаб, куч ва имкониятларини синаб кўришга хизмат қиладиган бундай танловларнинг ўтказилишини ҳар томонлама фойдали ва жуда зарур деб ўйлайман, — дейди академик лицей ўқитувчиси Нигора Шомирова. — Лицейимиз ўқувчилари ушбу мусобақага катта тайёргарлик кўришди. Гуруҳлар ўртасида савол-жавоблар орқали билимларини имтиҳондан ўтказиб, ўзаро фикр алмашишди. Мана натижаси ёмон бўлмади. Ўқувчиларимизнинг ғалабасидан жуда хурсандман.

* * *

«Сиз қонунни биласизми?» танлови Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Унда тумандаги 22-, 165-, 298- ва 111-мактаблардаги билимдон ёшлар ўзаро беллашишди.

Кўтаринки руҳда, қизғин савол-жавоблар ва муросасиз тарзда ўтган ушбу танловда 165-мактабнинг «Адолат қалдирғочи» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Биз ғолиб жамоага ҳамиша нуфузли ўринларни эгаллашларига тилак билдириб қоламиз.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТАШАББУСКОРЛИГИДА ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО «ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР — 2009» САРАЛАШ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*Тадбирлар*

# ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

Беллашувда француз филологиясининг «Таваккал», немис филологиясининг «Табассум», халқаро журналистика факультетининг «Дп» жамоалари тўртта шарт бўйича ўзаро куч синашдилар. Биринчи шартни «Табассум» жамоаси ўзларининг кутилмаган саломлари билан бошлаб бердилар. Кутилмаган савол шартида «Дп» жамоаси қанчалар зукко, зеҳнлари ўткирлигини, «Таваккал» жамоаси кутилмаган номер шартида ўзларининг актёрлик маҳоратларини кўрсатишди.

Тадбир сўнгида ҳар бир жамоа ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Шунга кўра «Дп» жамоаси 3-ўринни, «Таваккал» жамоаси 2-ўринни, барча шартларни ўз вақтида ва аъло даражада бажарган «Табассум» жамоаси эса фахрли 1-ўрин соҳиби бўлдилар ва «Таваккал» жамоаси билан финалга йўлланма олишди.

«Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ўтказишдан мақсад талабаларнинг олган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш, ёшлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Маҳлиё ОТАБОЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# «LES MILIEUX DES EMPIRES» МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТАДИ

***Франциядаги оммабоп электрон нашрлардан бири - «Les milieux des empires» ўз саҳифасида «Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги нуқтаи назари» сарлавҳали мақолани чоп этди.***

Унда таъкидланганидек, «Табиий заҳиралардан, жумладан, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш Марказий Осиё минтақасидаги ўта муҳим масалалардандир. Мазкур муаммога турлича ёндашув эса тараққиётга ғов бўлади ва можароли вазият, айрим ҳолларда эса, экологик фалокатга олиб келади».

Интернет-нашр Орол денгизи тақдирини мисол сифатида келтиради. Бинобарин, унинг қуриши нафақат Марказий Осиё, балки йирик субминтақа, ҳатто бутун Евроосиё мамлакатлари халқлари учун фожиали оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Минтақадаги Орол денгизига қуйиладиган дарёлар сувлари миқдорининг камайиб кетиши ҳавзадаги ҳаёт пойдеворига путур етказиб, суғориш мақсадлари учун фойдаланиладиган ва тоза ичимлик сувининг сурункали танқислигига сабаб бўлди. Денгизнинг қуриб қолган қисмида юзага келувчи туз ва қум бўронлари ҳосил ва ўсимликларни йўқ қилмоқда. Балиқчилик ва овчилик хўжалигига жиддий иқтисодий зарар етказилди. Шунингдек, яйловлар маҳсулдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайишига олиб келди, — дейилади мақолада.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеяси 48- ва 50-сессияларида сўзлаган маърузаларида «Орол инқирози — инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар ҳалокатлардан бири бўлиб, денгиз ҳавзасида яшовчи ўнлаб миллион инсонлар унинг таъсири остида қолмоқда» дея таъкидлаган эди. Шу ўринда мақолада қуйидагилар қайд этилади: «Минтақадаги барча сув ресурслари Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзасига боғлиқ. Уларнинг трансчегаравий манбалари мавжуд ҳолатининг ўзгариши эса 50 миллиондан зиёд киши истиқомат қиладиган Марказий Осиё мамлакатлари янада кенгроқ кўламли экологик ҳалокатга, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини ичимлик ва суғоришда фойдаланиладиган сув билан таъминлаш муаммоларига, муттасил қурғоқчилик ва ундан келиб чиқувчи салбий оқибатларга дуч келиши мумкин.

Трансчегаравий дарё оқимларидан фойдаланиш, жумладан, гидроэнергетик иншоотлар қурилиши борасидаги қарорлар экология ва қўшни давлатлар манфаатларига ҳеч бир зиён етказмаслиги лозим. Таъкидлаш жоиз, гап юзлаб йиллар мобайнида ўз оқимидаги мамлакатлар ва уларда яшовчи халқларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириб келган трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш тўғрисида бормоқда».

«Айнан шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йил августда Бишкек шаҳрида ўтган ШҲТ саммитида трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини қайд этган эди. Зеро бу БМТнинг 1991 йил 25 февралдаги Трансчегаравий ресурсларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги, 1992 йил 17 мартдаги трансчегаравий дарёлар ва ҳавзаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ва 1997 йил 21 майдаги халқаро дарёлар оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқларига оид конвенцияларида тўғридан тўғри ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатлар «трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли равишда фойдаланишни, уларнинг трансчегаравий таъсир ўтказаётган ёхуд ўтказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишдаги трансчегаравий жиҳатини алоҳида эътиборга олган ҳолда» кўриб чиқмоқликни тақозо этади. Зарар етказилган тақдирда уни бартараф этиш ёхуд оқибатларини камайтириш борасида чора-тадбирлар қўлланилиши ва зарур бўлганда эса етказилган зиённи қоплаш масаласи ҳам илгари сурилиши даркор. БМТ қарорларида «дарё оқимида жойлашган давлат суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва инсофлилик асосида ҳамкорлик қилиниши» акс этган. Ташкилот конвенцияларидаги ушбу асосий талабларга мувофиқ, гидротехник иншоотларнинг қурилиши бартараф этиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслигига ва трансчегаравий дарё ҳавзаларидаги барча давлатлар томонидан мазкур дарё оқимларидан фойдаланиш мувозанати бузилмаслиги борасида нуфузли халқаро экспертлар томонидан кафолат берилиши шарт», деб ёзади Франция интернет-нашри.

Мақола муаллифлари фикрича, «Трансчегаравий дарё ҳавзаларида барпо этиладиган янги гидротехника объектлари техникавий-иқтисодий асоси бетараф халқаро аудиторлик ташкилотларининг холис текширувидан ўтказилиши лозим. Бундай қатъи нуқтаи назарни Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда».

«Ушбу нуфузли халқаро молия тузилмалари тутган йўл бошқа ташкилот ва давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади ҳамда пировардида минтақада ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга имкон яратади. Бундай лойиҳаларда иштирок этиш ниятида бўлган сармоядор мамлакатлар ҳам ушбу талабларга риоя этиши зарурлигини ёдда тутмоқликлари лозим. Бу нуқтаи назар, асли трансчегаравий дарёларнинг сув заҳираларидан бошқа республикаларга нисбатан кўпроқ фойдаланиш учун Ўзбекистон алоҳида ҳуқуқларга эга эканлигини уқтириш эмас. Мазкур мамлакат тутган йўл нафақат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва бу соҳадаги асосий қоидаларга мос келади, балки ушбу ҳужжатлардан келиб чиқилганлигини ҳам билдиради» дейилади интернет-нашрда.

Мақола якунида қуйидаги фикрлар билдирилади:

- Ҳар бир мамлакат трансчегаравий дарё сув заҳираларидан фойдаланиш, жумладан гидротехника иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга оширишга ҳақлидир. Бироқ, мазкур ҳолатда улар ошкоралик тамойиллари ва манфаатдор томонларнинг тўла хабардор этилганига асосланган пухта мустақил техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизадан ўтказилиши керак.

Шу ўринда икки ўта муҳим шарт кафолатланиши лозим:

биринчиси – оқим қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар учун сув оқими миқдорининг камайишига йўл қўйилмаслиги даркор;

иккинчиси – минтақадаги шусиз ҳам мўрт бўлиб турган экологик хавфсизлик бузилмаслиги лозим».

**«Жаҳон» АА,**
**Париж**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Одам тахминан 30 ёшдан ошгандан сўнг бош мияси қарий бошлайди. Ҳар куни 30, 40 мингта нерв ҳужайралари нобуд бўлади. Мия қаримаслиги учун фикрлашни кучайтириш керак. Япониялик физиолог Якусиро узоқ вақт ультратовуш билан турли ёшдагиларнинг бош миясини, турмуш тарзини ўрганиб ана шундай хулосага келди. Унинг фикрига кўра, кучли ақлий меҳнат билан машғул бўлиш бош мия ҳужайраларига кўп қон ҳайдайди ва унинг фаолиятини қўзғатиб туради.

● Узоқ йиллар давомида фалакшунос олимлар Сомон йўли юлдузлар туркумига кирувчи Қуёш ҳажми жиҳатидан энг енгил эканлигини тасдиқлаб келар эдилар. Аммо Принстон институтининг фалакшунос олимлари Галактикамизда Қуёшдан ҳам енгил юлдуз мавжуд эканлигини аниқладилар. Бу юлдузнинг ҳажми оловли сайёрадан бир неча баробар катта бўлсада, оғирлиги жиҳатдан 50 марта енгил бўлиб чиқди. Ушбу тадқиқот Пуэрто-Рико оролига ўрнатилган «Аресибо» радиотелескопи ёрдамида ўтказилди.

● Бир гуруҳ ғаввослар Тинч океанидаги Матаги ороли яқинида жойлашган сув ости ғорларидан бирида тўртта ўта қадимий ҳайвонлар қолдиғига дуч келишди. Денгиз ҳайвоноти ва набототи билан шуғулланувчи мутахассиснинг айтишича бўйи 8-10 метр, бош суягининг узунлиги бир метрдан ортиқ бу жониворлар ҳеч бир сув ҳайвонларини эслатмайди. Ғаввосларни ҳайратга солган топилмалар суратга олиниб, олимлар ихтиёрига ҳавола этилди.

● Кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станцияларидан чиқадиган кул ва шлак махсус ўраларга ташланишини ҳамма билади. Уларни шамол учириб кетмаслиги, ҳаво ифлосланмаслиги учун мутахассислар ўра оғзини гиёҳлар уруғидан минерал ўғит, махсус тайёрланган қоришма билан ёпишни таклиф қилдилар. Бу қоришма тўқимачилик саноатидан чиққан, органик чиқиндилардан тўқилган газлама остига ташланади. Ярим йил ўтгандан кейин қоришма чирий бошлайди ва уруғлар яйраб униб чиқади. 10 йил ўтгандан кейин эса, ҳосилдор қатлам ҳосил бўлади. Уни қишлоқ хўжалигида бемалол ишлатаверса бўлади.

● Американинг «Юнайтед техноледжи» фирмаси муҳандислари одамлар баданидаги ҳароратни сезиб, чироқни ёқиб-ўчирадиган мослама яратдилар. Электрон детектор хонага одам кириши билан дарҳол чироқни ёқади. Хонадан ҳамма чиқиб кетиб, орадан ўн беш сония ўтгач, чироқ автомат тарзда ўчади. Нью-Йоркдаги фирмалардан бирига ўрнатилган бу қурилма электр энергияси сарфини 50 фоизга қисқартирган. Лекин уни ўрнатиш қимматга тушади. Орадан уч йил ўтгачгина у ўз харажатини қоплайди.

● Япониялик меъмор Тойо Ито Британия Қироллиги архитекторлик институтининг қиролича Виктория томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Тойо Ито замонамизнинг машҳур меъморларидан биридир. Унинг лойиҳаси асосида Сендай шаҳрида қурилган Медиатика биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Ушбу бино шаффоф кўринишга эга бўлиб, ички деворларга эга эмас. Унда кутубхона, концерт зали, кинотеатр жойлашган. Ҳозирда меъмор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий бинолар лойиҳаси устида ишламоқда.

● Жаҳон бўйича энг катта оила Бразилияда яшайди. Клоринда ва Луис Арарас ўзларининг уч нафар фарзандидан ташқари яна 142 та болани тарбиялашмоқда. Оила бошлиғи полиция маҳкамасида хизмат қилади. У ҳар куни тонгда хизмат машинасида болаларини боғча ва мактабларга тарқатиб чиқади, кечқурун эса уларни ана шу машинада «териб» қайтади.

● Оловга энг бардошли модда тоза вольфрам карбидидир. У 2500 даражали юқори ҳароратда ҳам эримаслиги мумкин. Аммо америкалик кимёгарлар 5500 даражага дош бера оладиган модда олишга муваффақ бўлишди. Ундан самолётсозликда фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

● Уммонда сузиб юрувчи энг катта муз тоғи 1956 йил Антарктидада кузатилган. Унинг узунлиги 350 километр, эни эса 40 километр эди. Ҳажмининг 90 фоизи сув остида эканини ҳисобга олсак, унинг эришидан ҳосил бўлган сув Волга дарёсининг 7 йил давомида Каспий денгизига қуйган сувига тенг келади.

● «Нью-Игланд джорнел оф медисин» журнали яқинда инсон танасининг оғирлиги билан узоқ умр кўришлик борасидаги боғлиқлик тўғрисидаги муфассал маълумотни босиб чиқарди. Умуман олганда, бу маълумотлар авваллари маълум бўлган нарсани қайтарган бўлсада, уларни янги факт ва кузатувлар билан тўлдирди. Унга кўра озғин одамлар семизларга қараганда узоқ умр кўрадилар. Семиз одамлар қандай ёшда бўлишларидан қатъи назар барибир қисқа умр кўрадилар. Ушбу янги хулосага кўра 60 га қадам қўйганлар 20 ёшлариданоқ ўртача оғирликда бўлганлари маъқул. Бўйи 160 см бўлган аёлларнинг оғирлиги 60 килограммдан ошмаслиги лозим.

● Оилавий ҳаёт сўқмоқларида адашадиганлар, қоқиладиганлар, ҳатто изини йўқотадиганлар ҳам учраб туради. Австрияда ғалати бир уюшма ташкил қилинган бўлиб, уни «Алданган эр-хотинлар клуби» деб аташади. Мазкур клубга аъзо бўлганларнинг барчасида биргина ният бор. У ҳам бўлса ташлаб кетган эрими ёки хотинини куни келиб қайтади ва оилани бутлайди, деб кутишади. Доғда юрган клуб аъзолари ўзларининг яхши ниятларини мавжуд бўлган статистик маълумотларга асосланиб, рўкач қиладилар. Маълумотларга қараганда, ташлаб кетилган хотинларнинг ҳар юздан 41 таси вақти келиб, «адашиб» қолган эрларини севинч билан бағриларига оладилар.

● Инсоният тарихида фақат учта олим янги сайёрани очиш бахтига муяссар бўлган. 1781 йили инглиз олими Гершаль Уранни аниқлаган бўлса, 1846 йили эса немис олими Галле Нептунни кашф этган. Учинчиси америкалик Клайд Тамбодир. Кансасдан 20 ёшли астроном — ишқибоз Тамбо Флатстрафдаги обсерваторияга келиб, ўзининг келажакда янги сайёра очиш иштиёқи борлигини айтганда ҳамкасблари унинг устидан кулишган эди. Чунки бу бахт ҳатто обсерваториянинг асосчиси Ливеллога ҳам мушарраф бўлмаган эди. Омадни қарангки, интилганга толе ёр деганларидек, 1937 йил 13 мартда Клайд Тамбо тайёрлаган фотосуратда номаълум сайёра борлиги аниқланди. Кейинчалик ушбу сайёрага Плутон деб ном берилди.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Ҳама ишда чиройдир сабру бардош.

* * *

Шитобнинг илдизи ҳирсу ва болмиш,
Қара, одамни ул не кўйга солмиш.

Агар ҳирсу ҳавога учмас эрди,
Кўйиб жаннатни, ерга тушмас эрди.

* * *

Зулмкор ҳийлаю тадбир этар, ҳай,
Вале бир кун ўзи қопқонга тушгай...

* * *

Юрарсен бўйлаким, бир дам тиним йўқ,
Сенга ҳирс, тевага аркон бурундуқ.

* * *

Агар нафс шунча хунхор бўлмас эрди,
Халойиқ мунча абгор бўлмас эрди.

Чопарсиз кеча-кундуз, кун демай, тун,
Қоринни бир балога тўлдириш-чун.

* * *

Башар дунёсида не дарду ғам йўқ,
Қорин дардича лек дарду алам йўқ.

* * *

Саховат қил, бахиллик этма зоҳир,
Бахилни топтаса филлар, раводир.

* * *

Бажар ул ишниким, бўлсин мадоринг.

* * *

Демиш бу нуқтани бир марди ҳушёр,
Ки ошиқ уйқуда, маъшуқа бедор...

* * *

Ажаб давлатки, офтоб лахза-лахза
Юриб, бир зарранинг ёнига борса...

* * *

Кувонма молу дунёингга мунча ?
Ки, дунё кўрди сендек эрни қанча.

* * *

Ўзингдин мамнун эрсанг гар, аё дўст,
Ки сендин мамнун эрмишдир Худо, дўст.

* * *

Ғазабга минма дарҳол, ўт олиб зуд,
Ярашмас одамийга оташу дуд.

* * *

Адоват этма куйган кимса бирлан,
Етишса навбатинг, сен ҳам куярсан.

* * *

Ҳарислик этма, бўл нафсингга ғолиб,
Танингга айлама жонингни мағлуб.

* * *

Ёмон сўз айтма, ёлғон сўзлама, боқ,
Гуноҳ бўлгайму бундан ҳам ёмонроқ?

* * *

Ҳасадга берма йўл, куйдиргуси ул,
Кўнгилни жонидин тўйдиргуси ул.

* * *

Бир ишга гар киришсанг, ўйла обдон,
Не бирлан охири топгуси поён...

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги жамоаси ҳоким ўринбосари Ибодулла Бердиевга волидаи муҳтарамаси

**Қамбар ая РАҲМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





*Таълим масканларида*

# МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

**БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, КОМИЛ ВА ЕТУК ИНСОН БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ ЙЎЛИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЎПЛАБ САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Шаҳримиздаги 199-махсус мактабда ҳам ўқувчиларнинг илм олишлари ва ҳунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Мактабимизда бугунги кунда 299 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларнинг деярли барчаси ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бор, оилавий шароити оғир ва имконияти чекланган ёшлардир, — дейди Учтепа туманидаги 199-махсус мактаб директори Нилуфар Раҳимбобоева биз билан суҳбатда. — Ўқувчиларимизнинг яхши билим олишлари, ўз устиларида ишлашлари, нутқидаги нуқсонларини бартараф этишлари, онг ва тафаккурининг равонлашуви ва теранлиги йўлида малакали ўқитувчиларимиз иш олиб борадилар. Ҳар бир ўқувчи билан махсус дарслар ва машқлар ўтказиш ҳам режа асосида амалга оширилади. Ўқувчиларимиз ичида кўплаб иқтидорлилари, наинки туман ва шаҳримизда, балки республикамиз миқёсида ўтказилган турли танловларда ҳам нуфузли ўринларни эгаллаб қимматбаҳо совғаларни қўлга киритмоқдалар. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос феъл-атвори, қизиқиши ва ўз олами бор. Уларни қалбан ҳис қилиш, елкама-елка туриб кўнглидагини уқиб олиш, керак пайтда талабчан устоз ёхуд сирдош дўст бўлиш ўқитувчилардан катта сабот, билим ва тажриба талаб этади. Бу ерда сабоқ бераётган ўқитувчи мураббийларнинг деярли барчаси ўз касбининг фидойиси. Улар ўқувчилар билан муттасил равишда шуғулланиб борадилар. Ҳар бир дарс анъанавий ва ноанъанавий тарзда ўтказиб борилади. Истагимиз битта— ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёти ҳамиша бенуқсон ва тўкис бўлсин. Улар келажакда имкон даражасида ўз ўрнига ва сўзига эга бўлсинлар. Кемтик кўнгиллари ҳеч қачон ўксимасин ва бировга муҳтож бўлмасин...

Дарҳақиқат, ёшлар мамлакатимиз таянчи ва юрт келажагидир. 199-махсус мактабда ҳам ўқувчиларнинг саломатлигини тиклаш, онг ва шуурини чархлаш, етарлича билим бериш ва бирор бир ҳунарга ўргатиш йўлида кўплаб мақсадли ва режали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчилар билим олиш билан бирга турли хил касбларга ҳам йўналтирилмоқда. Тикувчилик, тўқувчилик, устачилик, компьютер, ганч ўймакорлиги, расм чизиш, хориж тилларини ўрганиш, рақс, мусиқа каби йигирмадан ортиқ тўгараклар доимо ёшлар билан гавжум. Ушбу тўгаракларга ҳам малакали мутахассислар жалб қилинган.

Сахийқалб ҳомийлар ва меҳрибон инсонлар шарофати билан ўқув муассасасида байрамлар тўкин дастурхон атрофида нишонланади. Турли мавзудаги тадбирлар эса малакали мутахассислар, олим ва ёзувчилар иштирокида мазмунли ва мароқли ўтказиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг соғлиғини яхшилаш йўлида ҳам режа асосида дастурлар тузилган. Мақсад эса ягона — ёшлар саломатлигини тиклаш, уларга замон талаблари асосида сабоқ беришдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги 199-махсус мактаб ҳаётидан лавҳалар**

# МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ЧИРОҒИ

**ПОЙТАХТДАГИ 2-ЮРИДИК КОЛЛЕЖИДА "МАЪНАВИЯТ – ҚАЛБ ЧИРОҒИ" МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда коллеж ўқитувчилари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси вакиллари ҳамда коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Ушбу тадбирда асосий эътибор қурол-яроғ ва гиёванд моддалар савдосидан кейинги ўринда турувчи трансмиллий жиноятлардан яна бири одамлар савдосига қаратилди.

Айтиш жоизки, юртимизда ушбу иллатнинг олдини олиш, одамфурушлар фаолиятига чек қўйиш мақсадида аниқ дастур асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, турли тадбирлар, тарғибот-ташвиқот усулидаги йиғилишлар ўтказиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, одам савдоси инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилади. Уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига сабаб бўлади. Энг ачинарлиси, онги эндигина ривожланиб келаётган айрим ёшларимиз бу жиноят тузоғига тушиб, ўз ҳаётини барбод қилаётир. "Маънавият – қалб чироғи" мавзусидаги тадбирда ҳам ана шундай ҳолатларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар орасида ҳуқуқий онгни ва маданиятни юксалтириш, уларни ўз ҳуқуқларини билишлари нечоғли афзал эканлигини қайд этишди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши кураш ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланаётгани шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита ҳисобланишини ҳам таъкидлаб ўтишди.

— Маънавияти кучли бўлган инсон ҳеч қачон одамфурушларга алданиб қолмайди, — дейди коллеж ўқувчиси Нилуфар Хўжаева. — Бу ўринда бизнинг ҳам масъулиятли вазифаларимиз талайгина. Одам савдосига қарши курашиш қонун-қоидаларини билиб, ён-атрофимиздаги тенгдошларимиз, ўзимиздан кичик ёшдагиларга етказиб бериш ҳам биз ёшларнинг вазифаларимиздан саналади. Ўйлайманки, шунда айрим алданиб қолаётган тенгқурларимизни бу йўлдан қайтариб қолишимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, одам савдоси жиноятидан азият чеккан жабрланувчининг ҳимояси мамлакатимизда тўлиқ кафолатланади. Шунинг учун ҳам бундай муаммоларга дуч келган киши зудлик билан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши лозим.

Тадбир якунида йиғилганлар мазкур масала юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*«01»*

# БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

**ДУНЁДА БИРОР САБАБСИЗ ҲЕЧ НАРСА СОДИР БЎЛМАЙДИ. ШУ ЖУМЛАДАН ЁНҒИНЛАР ҲАМ. АГАР БИЗ КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДА КЕЛИБ ЧИҚАЁТГАН ЁНҒИНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛСАК, АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА БУНДАЙ ОФАТЛАР ЎЗИМИЗНИНГ БЕПАРВОЛИГИМИЗ, ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТМАСЛИГИМИЗ ЁКИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ БЕРГАН КЎРСАТМАЛАРНИ НАЗАР-ПИСАНД ҚИЛМАСЛИГИМИЗ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ.**

2008 йилнинг 12 ойи мобайнида Ҳамза тумани ҳудудида 172 та ёнғин содир бўлганлигини кўрамиз. Ушбу ёнғинлар натижасида куйиш тан жароҳати олган фуқаролар 7 тани ташкил этади, 10 та фуқаро ёнғин натижасида ҳалок бўлган, давлатимизга ва фуқароларга 1098000 сўмлик моддий зарар етказилган. Ёнғинларнинг келиб чиқиши аҳоли турар жой биноларида 55 та, кўп қаватли уйларда 33 тани ташкил этади.

Ёнғинлар асосий қисмининг аҳоли турар жойларида содир бўлганлиги ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга масъулият юклайди.

Ёнғинлар таҳлили эса газ таъминоти, электр тармоқлари, ёнғинга қарши курашиш жамияти ходимларининг ҳамкорликдаги фаолият тизимига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Уларнинг самарали ҳамкорлиги ёнғинларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Аҳоли турар жойларида ўтказилаётган текширувларда асосий эътибор тарғибот-ташвиқот ишларига қаратилмоқда. Туман ЁХБ ходимлари, ИИБ профилактика инспекторлари, газ таъминоти ва электр тармоқлари идоралари ходимлари иштирокида маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Зеро, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкимизни ҳамда атрофимиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўламиз. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг содир бўлиши, мулк талофати, инсонлар жароҳатланишларининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона мутасаддилари, барча фуқаролар бирдай масъулдир.

Кўп қаватли турар жой бинолари, жамоат ва маъмурий биноларнинг олдига борувчи йўлларни тўсиб қўйиш, ўраб олиниши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби бундай ҳолатлар ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда ёнғин ўчириш автоуловларининг белгиланган жойга етиб боришларига ва офатни тез бартараф этишга қийинчиликлар туғдирмоқда.

Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин», деган ҳикмат бор. Табиий офатлар орасида улардан кўриладиган фожиалар, оқибатлар ниҳоятда оғир кечади. Афсусланарлиси шундаки, ўт балосига кўп ҳолларда одамлар ўзлари сабабчи бўлишади, ёнғин ҳам оёқ остидаги фалокатки, эҳтиётсизлик жабрини тортиш унга йўл қўйганлар зиммасига оғир айриликларни солади.

**Зафаржон ХАТАМОВ,**
**Ҳамза тумани ИИБ**
**ЁХБ инспектори,**
**капитан**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Сергели туман 3 - давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига**

**ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ**

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур

*а) комиссия номига ариза;*

*б) паспорт нусхаси;*

*в) шахсий варақа (сўровнома);*

*г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;*

*ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;*

*з) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги Малака комиссияси қарорига асосан Сергели туман 3-сон давлат нотариал идора нотариуси Дамин Халияровга 2001 йил 5 июлда берилган TN 000151 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

**АТИБ «Ипотека банк» Юнусобод филиалига** қарашли қуйидаги қатъий ҳисобда турувчи Ф-0402005 (Ф-430) шакл қимматли қоғозларнинг рақами IPB № 4661019 дан IPB № 4661050 гача бўлган 32 донаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** 2009 йил 24 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳар Бектемир туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 08.10.2008 йилдаги 1-158/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 11О0474 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 948 255 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 15.09.2008 йилдаги 212/08-сонли суд буйруғига асосан хатланган, умумий майдони 80,20 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Ц-6-мавзеси, 120-уй, 51-хонадон. Бошланғич баҳоси – 84 000 000 сўм. **3.** Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: – ЖИБ Тошкент вилояти Тошкент туман судининг 16.10.2008 йилдаги 436-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Нексия" русумли, д/р 11V9717 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 956 331 сўм. – ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.10.2008 йилдаги 1-1050-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Нексия" русумли, д/р 18M4071 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 910 404 сўм. – ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.08.2007 йилдаги ЖСК-1-415/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "NISSAN МАКСИМА" русумли, д/р 22L7707 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 40 500 000 сўм.

**II.** Шунингдек 2009 йил 10 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1.** Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 20.08.2008 йилдаги 1-748/02-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси Дэу Автосервис 2-боксида сақланаётган, "Опель-Омега-А" русумли, д/р 10О0525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 012 800 сўм.

**2.** Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота тумани судининг 31.07.2008 йилдаги 1-263/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, (2-сонли жарима майдончасида) сақланаётган, "БМВ-520" русумли, д/р X332CXN бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 14 250 000 сўм. **3.** Тошкент шаҳар Яккасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 24.12.2007 йилдаги 1-760/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга қарашли 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган, "Фольсваген Ветли" русумли, д/р 30Q1979 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 18 624 569 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105.

**III. Қуйидаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:** Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилиниб, "Тошкент оқшоми" газетасининг 22.01.2009 йилдаги 15-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳар СВОЖ ва ЖДЛКДДда сақланаётган, "ГАЗ-310290" русумли, д/р 30D4121 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси бўйича савдо тўхтатилди. **Савдони тўхтатишга асос:** Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлимининг 09.02.2009 йилдаги 8430/13-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**Савдоларга марҳамат!**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4512 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

12 6

Топширилган вақти: 13.15